ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ФОНЕТИК ТАРКИБИНИНГ ЛИНГВОСТАТИК ТАҲЛИЛИ

Г.У.ЖУМАНАЗАРОВА

В статье представлены результаты лингво-статистического анализа фонетического состава узбекских народных дастанов.

In this article was given the results of linguistic-statistic analysis of phonetic structure in Uzbek national poems (dastans).

Инсоният ахборот технологиялари юксак тараққий этган даврда яшаётган бир пайтда ҳеч бир фан тараққиётини, жумладан, ўзбек тилшунослиги тараққиётини ҳам бу технологиялардан ташқари олиб қараш мумкин эмас. Бугун ҳаётимизга инженерлик лингвистикаси, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси сингари соҳалар кириб келди, матнни лингвистик таҳлил этишнинг янги-янги имкониятлари яратилди. Ҳозирги кунда тил материалини математик-статистик методлар ёрдамида ўрганиш ана шундай имкониятлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, сўнгги йилларда статистик усул лингвистикада кенг қўлланмоқда ва ушбу усул лингвостатистика номини олди. “Статистик усулни тилшуносликда қўллаш шунчаки мақсад эмас, балки тилнинг ниҳоятда мураккаб тузилиши, унинг амал қилиш сирларини билишда анъанавий усул билан биргиликда бир воситадир”, - деб таъкидлайди А.Иброҳимов. Сўнгра яна: “Аниқлик илмий ишнинг талабларидан биридир. Лекин, анъанавий тилшуносликнинг энг катта камчилиги унда аниқликнинг етишмаслиги, кўпчилик натижаларнинг тахминий бўлишидир. Мана шунинг учун ҳам тилшунослар статистикага асосланган усулга мурожаат қила бошладилар”[1.4], деган асосли хулосани берадилар. Ўзбекистондаги достончилик мактабларининг йирик вакиллари, хусусан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Пўлкан шоир Муҳаммадқул Жомрод ўғли каби профессионал халқ бахшилари достонлари тилини компьютер технологиялари асосида ўрганиш ҳозирги тилшунослигимиз олдидаги муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дастлаб Фозил шоир ишлатган сўзларнинг фонетик таркиби ҳақида мулоҳаза юритишга уриниб кўрамиз ва бунда С.Ризаевнинг қуйидаги фикрларига таянамиз: «Ҳозирги ўзбек тилининг бадиий прозаик матнлари бўйича энг кўп қўлланган – юқори частотали ҳарфлар: ***а, и, н, р, л, о, д, б, т, г, м, у, к*** (камайиш тартибида) кабилар. Шулардан ***а, и, н, р, л, г, м*** ҳарфлари сўз бошидагига нисбатан сўз охирида; ***о, д, б, т, ў, к*** ҳарфлари эса сўз охиридагига нисбатан сўз бошида кўп қўлланган… Поэтик матнлар бўйича энг кўп қўлланган – юқори частотали ҳарфлар ***а, и, н, р, л, о, д, т, б, г, у, м, к*** кабилар. Шулардан ***а, и, н, р, л, г*** ҳарфлари сўз бошидагига нисбатан сўз охирида; ***о, д, б, т, м, у, к*** ҳарфлари эса сўз охиридагига нисбатан сўз бошида кўп қўлланган» [2.40].

Барча достонлардаги қўлланилган 53840 та сўзшаклнинг ҳар бир достонда қўлланиш частотасини ҳарфлар кесимида қуйидагича:

Ҳарфлар	***Достонлар***								
	Балогардон	*Баҳром ва Гуландом*	*Зевархон*	*Лайли ва Мажнун*	*Малика айёр*	*Нурали*	*Рустамхон*	*Фарҳод ва Ширин*	*Ширин билан Шакар*
А	216	236	218	193	428	199	266	199	270
Б	692	658	529	547	957	598	724	543	694
В	30	37	34	39	51	21	45	35	36
Г	122	106	89	86	175	85	117	80	123
Д	204	197	205	148	314	173	229	164	192
Е	93	76	64	60	123	61	75	57	72
Ё	101	127	96	107	155	123	124	106	118

Ж	111	146	116	121	237	129	144	102	132
З	66	76	95	39	142	48	66	54	85
И	124	136	114	100	225	119	135	119	129
Й	73	94	76	87	140	70	105	85	100
К	509	568	442	432	766	452	552	441	520
Л	26	30	20	37	68	33	21	34	39
М	233	196	197	196	416	213	263	201	248
Н	98	121	89	66	147	89	96	89	88
О	328	336	237	256	510	277	335	258	294
П	106	97	85	45	187	85	92	75	118
Р	38	33	30	18	55	31	62	30	31
С	323	385	307	267	543	279	353	255	360
Т	495	513	432	356	856	426	517	368	519
У	117	174	127	125	246	136	136	119	140
Ф	32	36	20	26	35	19	33	36	36
Х	122	131	113	114	192	102	148	134	142
Ц									
Ч	141	172	111	93	262	139	139	103	137
Ш	100	142	132	61	248	70	123	137	181
Э	187	154	113	129	205	159	186	102	166
Ю	124	128	99	113	191	110	135	114	127
Я	51	41	33	23	107	40	50	27	51
Ў	250	265	204	209	399	233	279	209	284
Қ	517	532	456	406	906	504	574	425	582
Ғ	78	56	51	38	102	47	63	50	64
Ҳ	132	144	119	118	193	95	150	106	132
	5839	**6143**	**5053**	**4655**	**9581**	**5165**	**6337**	**4857**	**6210**

С.Ризаев прозаик ва поэтик матнларни алоҳида-алоҳида таҳлил этганлиги боис, бу матнларда қўлланган маълум товуш билан бошланувчи юқори частотали сўзларнинг фаоллик даражасини бир-биридан фарқлаган: прозаик матнда - ***о, д, б, т, ў, к*** ва поэтик матнда эса ***о, д, б, т, м, у, к*** тартибида ўринлашган. Булар ҳарфларнинг жойлашувидан ҳам маълум бўлиб турибди

Эпик жанр доирасига кирадиган анъанавий достонлар матни эса ҳам прозаик, ҳам поэтик матнларни ўзида мужассам қилганлиги боис достонлар матнининг аралаш характерини ҳисобга олиш керак бўлади. Фозил шоир достонларидаги сўзшакларнинг қайси товушлар билан бошланишига кўра жойлашиш тартиби барча достонлар учун умумий ҳолатда қуйидагича: ***б*** – 5942, ***қ*** – 4902, ***к*** – 4682, ***т*** – 4482, ***с*** – 3072, ***о*** – 2831, ***ў*** – 2332, ***а*** – 2225, ***м*** – 2163, ***д*** – 1826, ***э*** – 1401, ***у*** – 1320, ***ч*** – 1297, ***ж*** – 1238, ***и*** – 1201, ***х*** – 1198, ***ш*** – 1194, ***ҳ*** – 1189, ***ю*** – 1141, ***ё*** – 1057, ***г*** – 983, ***п*** – 890, ***н*** – 883, ***й*** – 830, ***е*** – 681, ***з*** – 671, ***ғ*** – 549, ***я*** – 423, ***в*** – 328, ***р*** – 328, ***л*** – 308, ***ф*** – 273.

Агар бу рақамларни 9 та достонга тақсимлаганда ўртача нисбий частотаси (**Р**) қуйидагича бўлади: ***б*** - 660; ***қ*** - 545; ***к*** - 520; ***т*** - 498; ***с*** - 341; ***о*** - 315; ***ў*** - 259; ***а*** - 247; ***м*** - 240; ***д*** - 203; ***э*** - 156; ***у*** - 147; ***ч*** - 144; ***ж*** - 138; ***и*** - 133; ***х*** - 133; ***ш*** - 133; ***ҳ*** - 132; ***ю*** - 127; ***ё*** - 117; ***г*** - 109; ***п*** - 99; ***н*** - 98; ***й*** - 92; ***е*** - 76; ***з*** - 75; ***ғ*** – 61; ***я*** – 47; ***в*** - 36; ***р*** - 36; ***л*** - 34; ***ф*** – 30.

С.Ризаевнинг кузатишлари бўйича маълум товушлар билан бошланувчи сўзларнинг юқоридан пастга қараб қўлланиш фаоллиги қуйидагича: 1-***о,*** 2-***д,*** 3-***б,*** 4-***т,*** 5-***ў,*** 6-***к.*** Поэтик матнларда бу рўйхатга ***м*** ва ***у*** ҳам қўшилади.

Энг фаоллик даражасига кўра олинган бу етти товушдан келиб чиқиб, биз ҳам достонлардан юқоридан пастга қараб шунча миқдордаги товушлар билан бошланувчи сўзларни оламиз: ***б*** - 660; ***қ*** - 545; ***к*** - 520; ***т*** - 498; ***с*** - 341; ***о*** - 315; ***ў*** – 259; ***а*** – 247.

Уларни бир-бирига қиёслаймиз:

С.Ризаевда	***о***	***д***	***Б***	***т***	***ў***	***к***	***м***	***У***
Достонларда	***б***	***қ***	***К***	***т***	***с***	***о***	***ў***	***А***

С.Ризаев келтирган товушларнинг сўз бошида фаоллик даражасини ҳисобга олган ҳолда тартиблаштирганини инобатга олганимизда, прозаик ва поэтик матнларда баб-баравар тарзда ***о, д, б, т***, билан бошланувчи сўзлар фаоллигини англаймиз.

Достонлар матнида эса бошқача манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бу ерда фаоллик даражасининг ***б, қ, к, т*** тартибида эканлиги маълум бўлади. Фақатгина ***т*** билан бошланувчи сўзларнинг жойлашиш тартиби бир-бирга мос келмоқда, холос.

Ана шу тўртликдан ***б*** билан бошланувчи сўзлар борлигини ҳам қайд этамиз. Қолганларида бу мувофиқликни кўрмаймиз. Шунга қарамасдан, ушбу таҳлиллар билан С.Ризаев қарашлари ўртасида мувофиқлик мавжуд деб айта оламиз. Чунки олим ўзбек тилидаги ҳарфлар статистикасига оид қарашлари якунида қуйидаги хулосага келган: «Ҳозирги ўзбек тилидаги ҳарфларнинг сўздаги ўрнига кўра қўлланиши (камайиш тартибида) қуйидагича: сўз бошида энг кўп ва тез-тез кчраб турадиган ҳарфлар: ***б, к, т, қ, м, ҳ, с, о, у*** кабилар; сўз ўртасида: ***а, и, л, н, р, о, д, т, г, у, м, е, ё*** кабилар; сўз охирида ***и, а, н, р, г, б*** кабилар» [2.78].

Ушбу товушлар билан бошланувчи сўзлар ва сўзшаклларнинг фаоллиги сабабини аниқлаш мақсадида достон матнлари бўйича тузилган луғатларга мурожаат қиламиз.

Б билан боғлиқ биргина ҳолатни таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан, «Балогардон» достонида ушбу товуш билан бошланадиган 692 сўзшакл қўлланган. Улар орасида 10 тадан 300 гача бўлган сўзлар қуйидагилар: *бу* – 284, *бир* – 189, *бўлиб* – 126, *билан* – 126, *бўлди* – 87, *бор* – 69, *бало* – 63, *бўлса* – 62, *бунда* – 57, *бориб* – 57, *болам* – 52, *балогардон* – 46, *боғи* – 38, *берди* – 28, *бирга* – 25, *бўлар*, *бергин* – 22 тадан, *боради* – 21, *бўлган*, *бораётир*, *боққа, бериб, бўлади, борсанг, боғда, бер* - 19 тадан, *бўлсанг, буни* – 18 тадан, *бундан* – 17, *борайин, бизнинг* – 16 тадан, *бўп, биз* - 15 тадан, *бўласан, булар* - 14 тадан, *бўлмагин, борди, беклар, балонинг* – 13 тадан, *бўлдим, бул, бизга, берар* - 12 тадан, *бўлсин, бўлдинг, бошига, борасан, бораман, билиб, билгин* - 11 тадан, *бўлмаса, бундай, бошқа, билдим, баробар, баланд* -10 тадан қўлланилган.

Шунингдек, 6 та сўзшакл 9 мартадан (*бўлибди, борини, борган, бир-икки, билмай, бегижон*); 9 та сўзшакл 8 мартадан (*бўлмас, бунинг, бошлаб, бошдан, бойлаб, боғдан, бова, билайин, бизни*); 14 та сўзшакл 7 мартадан (*бўламан, бўлак, бўлайин, бўл, бугун, бошин, боғнинг, бирор, бирга-бирга, билдириб, биздан, бехабар, барор, бари*); 25 та сўзшакл 6 мартадан (*бўлма, бўлганда, буларнинг, бувушим, бошимни, бош, босиб, борсам, борса, бормисан, бораётиб, бозор, бобонг, билмас, билмадим, биламан, бермагин, берган, бераман, беради, белулга, бел, баччағар, балогардоннинг, баён*); 19 та сўзшакл 5 мартадан (*бўш, бўлсам, бўлмади, бунга, бошида, бордир, боргин, борар, борайик, борай, боваси, билмайман, билди, биласан, бераҳм, бемаҳалда, белда, балогардонга, балки*); 27 та сўз 4 мартадан (*бўлмайди, бўлгин, бўлганди, бўб, бундайин, бошини, борма, борганда, боғни, биримиз, бири, бирдай, билмади, билар, билади, бил, бизлар, берсанг, берса, бермайди, беринг, бери, берай, бели, бекнинг, балли, бадбахт*) қўлланган. 54 та сўз 3 мартадан, 97 та сўз 2 мартадан, 384 та сўзшакл 1 мартадан ишлатилган.

Демак ***б*** товуши билан бошланувчи сўзшакл 692 та бўлиб, уларнинг умумий қўлланиш частотаси 3223 тани кўрсатади. Шулардан 10 мартадан ортиқ қўлланганлари сони 1906 та. Бу «Балогардон» достонидаги ***б*** билан бошланувчи сўзлар миқдорининг 59 % ини ташкил этади. Айни пайтда, 1 мартадан қўлланган сўзшакллар 384 тадан иборат бўлиб, бу рақам жами 692 сўзшаклнинг 55 % ини, умумий қўлланган сўзларнинг 12 % ини ташкил этади.

Ушбу қисқагина ахборотдан шу нарса англашиладики, ***б*** билан бошланувчи сўзларнинг достон матнида фаоллиги асарнинг мавзуси, асосан, персонажларнинг маиший ҳаёти тасвири билан боғлиқ: *балогардон, бола, боғ, бек, бало, бош, бова, бувиш, бегижон, баччағар* (от); *баланд, бадбахт* (сифат), *бир* (сон); *бу, биз* (олмош); *бўлмоқ, бормоқ, бермоқ, билмоқ, бойламоқ* (феъл); *баробар* (равиш), *балли* (ундов), *билан/ман/минан* (кўмакчи) сингари сўзлашув услубига хос бўлган элементлар бунинг далилидир. ***Қ, к, т*** билан бошланган сўзларнинг фаоллигини ҳам шу тарзда изоҳлаш тарафдоримиз.

Таҳлилни мана шу тартибда ҳар бир достон мисолида давом эттириш мумкин. Ҳарқалай, С.Ризаев таҳлил қилган прозаик ва поэтик мазмундаги матнларда ***о, д, б, т*** билан бошланадиган сўзларнинг фаоллиги ўзининг мантиқий асосларига эга. Бу матнларнинг китобий характердалиги, тасвир кўламининг кенглиги ана шундай асослардан бўлиб ҳисобланади. Шу маънода, гарчи бадиий асар сифатида қаралса ҳам, Фозил Йўлдош достонлари тили сўзлашув услуби, хусусан, желанувчи қипчоқ шевалари хусусиятларини ўзида тўла акс эттирганлиги, куйланган достонларнинг эса маиший, қаҳрамонлик эпоси услуби уларни куйлашдаги ўзига хос поэтик йўли бўлганлиги [3.236] билан изоҳланади. «Балогардон» достони матнида учрайдиган ***б*** билан бошланувчи сўзшакллар таҳлили ҳам буни яққол кўрсатиб бера олади.

Юқорида тилга олинган 9 та достон матни асосида тузилган частотали луғатлар нафақат айрим товушлар билан бошланадиган сўзлар, балки умуман достонлар матнига хос бўлган алоҳида фаол сўзларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Достонлар матнида сўзшаклларнинг қўлланиш частотаси 50 тадан юқори бўлган бирликлар матнлар кесимида қуйидагича:

«Балогардон»да: *бу -284 , деб -277 , бир -189 , ҳам -157 , мен -136, энди -133, билан -126, бўлиб -126, олиб -105, қилиб -103, эди -103, сен -90, бўлди -87, менинг -80, кўп -72, бор -69, туриб -67, экан -67, ҳар -66, шундай -66, айтди -64, келиб -64, бало -63, бўлса -62, шу -60, сўзни -58, бориб -57, бунда -57, неча -57, сенинг -55, у -53, хабар -53, болам -52, қизлар -51, айтиб -50, кетди -50, сенга -50*.

«Баҳром ва Гуландом»да: *бу -431, деб -231, бир -226, энди -196, ҳам -172, бунда -159, неча -148, бўлиб -138, билан -136, шу -121, мен -120, қилиб -110, шундай -90, ҳар -86, бўлди -79, замон -75, менинг -74, ҳеч -74, бўлса -72, келиб -72, сўзни -72, у -71, келган -66, кетди -66, эди -66, олиб -65, ким -63, одам -60, кўриб -57, сен -57, экан -57, бориб -55, кўп -55, ул -55, ўзи -55, бор -54, қилди -53, етди -50, нима -50*.

«Зевархон»да: *бу- 288, бир -218, бўлиб -139, деб -139, мен -97, ҳам -97, билан -93, эди -93, олиб -91, қилиб -89, энди -89, бунда -85, неча -76, бўлди -75, ҳар -75, кетди -70, сен -69, кўриб -67, подшо -63, қолди -62, менинг -60, бор -58, нима -56, айтди -55, келиб -54, ҳеч -54*.

«Лайли ва Мажнун»да**:** *бу -310, деб -230, бир -228, ҳам -167, бўлиб -135, мен -132, билан -120, энди -104, менинг -91, бирга -90, олиб -81, сен -79, сўз -75, бунда -73, бўлди -72, неча -68, айтиб -67, нима -66, қилиб -61, экан -60, кетди -58, келиб -57, шу -57, ҳеч -53, кўриб -52, у -50, эди -50*.

«Малика айёр»да: *бу -748, деб -502, бир -489, бўлиб -452, билан -372, ҳам -300, энди -283, қилиб -254, девлар -250, қаландар -246, олиб -244, деди -220, эди -184, мен -175; кўп, шунда -174, қараб -167, кўриб -162, ҳар -157, сен -152, бўлди -147, бўлса -142; қолди, шу -140, айтди -138, экан -135; беклар, келиб -128; бориб, сўзни -123, дев -121, менинг -118, йўл -117, бор -115; сўз, шундай -112, кетди -109, берди -106, неча -103, турибди -90; бунда, нима -85, девларнинг -84, икки -82; қандай, қилди, эшитиб -80; йўқ, тулпор -79; айтиб, қизлар -78, сўзларни -75, сенга -74, ҳеч -73, бизлар, қаландарлар -72, мерганлар -71, устига, чиқиб -70, келган -69, девнинг -68, душман -67; туриб, тушиб, хабар -66; яхши -64, дилбар, мерган -63, ўз -62; айтган, кун, енга, эй -60; ерга, омон, юрган -59; олди, сенинг -58, қилган -57; деган, ерда, заргар -56; ана, от -55; бирга, боради, у, ул, қараса, қирқ -54; гул, ҳамроҳ, эдим -53; олдига -52; бўласан, миниб, турган, хафа -51; замон, йўлга, пари, солиб, хўш -50*.

«Нурали»да: *бу -290, бир -224, деб -190, ҳам -148, энди -111, олиб -106, бўлиб -103, билан -100, қилиб -82, эди -80, мен -74, экан -73, сўзни -64, қараб -63, менинг -62; бориб, бўлса -59, сўз -57, сен -55; айтиб, кетди, кўп -54; турган -53; айтди, кўриб -52; неча -51, шунда -50*.

«Рустамхон»да: *бу -362, бир -297, деб -251, бўлиб -171, ҳам -168, билан -149; мен, энди -128, эди -126, қилиб -112, айтди -110, шу -108, экан -106; нима, сўзни -92, сен -90, неча -88, бор -87; менинг, қараб -86, айтиб -85; бўлса, шундай -84, болам -77, сўз -76, олиб -74, бунда -73, келиб -72, одам -71; кетди, кўп -68, турган -64; бориб, у -63; аждаҳар, хабар, эшитиб -62, кўриб -60, йўқ -59, икки -58, йўл -56, подшо -54, кун -53, шунда -50*.

«Фарҳод ва Ширин»да: *бу -334, бир -236, деб -211, бўлиб -143, ҳам -133, билан -120, қилиб -119, энди -93, мен -91, неча -91, бор -83, сен 80, олиб -76, шунда -75, бўлди -72, экан -68; бунда, ҳар -66, эди -65, менинг -64; кўриб, нима -60, ул -59, айтиб -58, кетди -56, турган -55, ҳеч -53, бўлса -52; бориб, сенинг, у, юз -51, келиб -50*.

«Ширин билан Шакар»да: *бу 312, бир -217, деб -211, ҳам -154, бул -152, бўлиб -149, сўзни -133, мен -121, шундай -121, айтиб -120, менинг -119, билан -114, кўп -109, энди -104, бунда -103, боради -96, бўлди -92, қилиб -91, сен -88, олиб -85, ул -83, экан -80, турган -75; кетди, шу -71, ҳар -68, бўлади -67, келиб -64, эди -63, хабар -62; келди, қилади -61; кўриб, нима, сенинг -58; қилди, шул -57; бўлса, бўп, икки, неча, қандай -56, қараб -53, сўз -52; бор, одам -51*.

Қўлланиш частотасига кўра барча достонларда мутлақ устунликни эгаллайдиган сўзлар мавжуд. Барча достонлар матнида учрайдиган, қўлланиш частотаси 100 дан юқори бўлган бирликларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Ҳарфлар	***достонлар***									
	Балогардон	***Баҳром ва Гулан-дом***	***Зевархон***	***Лайли ва Мажнун***	***Малика айёр***	***Нурали***	***Рустамхон***	***Фарҳод ва Ширин***	***Ширин билан Ша-кар***	Жами
б	692	658	529	547	957	598	724	543	694	**5942**

Қ	517	532	456	406	906	504	574	425	582	**4902**
к	509	568	442	432	766	452	552	441	520	**4682**
т	495	513	432	356	856	426	517	368	519	**4482**
Жами	**2213**	**2271**	**1859**	**1741**	**3485**	**1980**	**2367**	**1777**	**2315**	**20008**

Жами қўлланган бирликларнинг 37 фоизи (**Р**=20008:53840=0,3716) ана шу товушлар билан бошланган сўзлар ёки сўзшаклларга тўғри келади.

Бундан ташқари матнларда достон қарамонлари ва воқеалар бўлиб ўтган жой номлари қўлланиши ҳам фаол. Масалан, «Балогардон» достонида *Авваз* сўзи билан боғлиқ сўзшакллар частотаси 352, *Боғи Эрам* билан боғлиқлари 137 тани; «Баҳром ва Гуландом» достонида *Баҳром* иштирок этган сўзшакллар 424 тани, *Гуландом* ли сўзшакллар 135 тани, «Зевархон» достонидаги *Зевархон* билан боғлиқ сўзшакллар 131 ташкил этади. Хуллас, *Асад, Гулгун, Гўрўғли, Лайли, Мажнун, Малика айёр, Марғумон, Нуралихон, Рустам, Сайфур, Тиллақиз, Тоғай, Фарҳод, Шакар, Ширин, Ширин, Шодмон, Шозаргар, Шоқаландар, Қаландар, Ҳуройим; Боймоқ; Ғиркўк/Ғирот/Ғир; Оқтош, Торкистон, Чамбил, Чин* сингари ономастик номлар билан боғлиқ сўзшакллар достонлар матнида юқори частотали элементлар ҳисобланади.

Матнда сўз қўлланишининг иккинчи қутбида кам қўлланилган элементлар туради. Фозил Йўлдош достонларида 1 мартадан қўлланган сўзшаклларнинг частотаси қуйидагича:

т/р	***достонлар***	***сўзшакллар сони***
1	Балогардан	3507
2	Баҳром ва Гуландом	3705
3	Зевархон	3095
4	Лайли ва Мажнун	2851
5	Малика Айёр	5328
6	Нурали	3090
7	Рустамхон	3833
8	Фарҳод ва Ширин	2963
9	Ширин билан Шакар	3560
	Жами	**31932**

Бу барча достонларда қўлланган сўзшаклларнинг 59,3 % ини ташкил этади. Бу далиллар ва ***б*** билан бошланган бир марта қўлланган сўзшакллар фоизи ҳам дунё лингвостатистикасида олиб борилган кузатишлар натижаларига, жумладан, соҳанинг йирик тадқиқотчиларидан бири Р.М.Фрумкинанинг «Ҳар қандай частотали луғатда (текширилаётган матн ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда) бир марта учраган сўзлар икки ва ундан ортиқ учраган сўзларга қараганда доимо кўпроқ эканлиги ҳақида»ги [2.167] фикрларига асосан мос келади.

Энди эътиборимизни сўзшаклларнинг охирги товушларига қаратамиз. С.Ризаевнинг таҳлилларига кўра ***а, и, н, р, л, г, м*** товушлари билан тугайдиган сўзларнинг қўлланиши бадиий матнларда фаол. Биз бу хулосани ҳам Фозил шоирнинг тадқиқотимиз таҳлилига жалб этилган достонлари мисолида кўриб чиқамиз ва бунда достонлар матни юзасидан тузилган терс луғатлардан фойдаланамиз.

Бу достонларда сўзларнинг қайси товушлар билан тугаганлигини қуйидаги жадвалдан аниқлаш мумкин:

ҳарфлар	***Анъанавий достонлар***									***Жами***	***Ўртача***
	Балогардон	***Баҳром ва Гуландом***	***Зевархон***	***Лайли ва Мажнун***	***Малика айёр***	***Нурали***	***Рустамхон***	***Фарҳод ва Ширин***	***Ширин билан Шакар***		
А	985	1024	847	866	1515	918	1158	829	1002	9144	1016
Б	435	439	347	338	701	377	420	331	411	3799	422
В	12	15	9	7	26	13	19	14	18	133	15

Г	407	352	341	287	671	372	458	312	420	3620	402
Д	33	37	25	27	46	29	27	31	31	286	32
Е	3	2	3	1	7	4	2	7	5	34	4
Ё	4	3	5	2	6	4	2	3	4	33	4
Ж	1	-	-	-	3	1	2	1	1	9	1
З	102	141	105	88	252	96	114	78	127	1103	123
И	1310	1455	1155	1011	2300	1222	1512	1104	1419	12488	1388
Й	172	145	116	130	274	137	189	132	180	1475	164
К	114	162	110	110	236	97	116	77	148	1170	130
Л	85	77	58	63	114	63	74	57	71	662	74
М	318	267	304	281	438	241	309	300	311	2769	308
Н	1047	1068	859	833	1570	900	1139	858	1094	9368	1041
О	37	32	45	26	49	29	36	30	31	315	35
П	14	13	10	8	15	9	16	5	15	105	12
Р	433	531	416	312	834	362	421	393	561	4263	474
С	38	45	29	40	55	26	32	39	35	339	38
Т	83	86	76	64	109	69	82	72	88	729	81
У	42	72	44	31	91	42	42	42	49	455	51
Ф	10	5	2	8	12	6	2	5	6	56	6
Х	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	0
Ц	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Жадвалда терс луғатни тузишга мақсадида яратилган компьютер дастури билан боғлиқ ҳолда айрим камчиликлар борлиги кўзга ташланади. Охири ***қ, ғ, ҳ*** товушлари билан тугайдиган сўзшаклларини бериш имкони мукаммал ўйланмаганлиги ва бизга маълум бўлмаган камчиликларга кўра алфавитли-частотали луғатлар якунида берилган рақамлар терс луғатлар таркибидаги сўзшакллар сони билан мос келмаган. Ана шу ҳарфлар ҳисобидан ҳар бир достон бўйича тузилган терс луғатларда сўзлар миқдори кам чиқмоқда. Бу кўрсаткич «Балогардон» да 117 та, «Баҳром ва Гуландом»да, 112 та, «Зевархон»да 97 та, «Лайли ва Мажнун»да 79 та, «Малика айёр»да 192 та, «Нурали»да 110 та, «Рустамхон»да 119 та, «Фарҳод ва Ширин»да 99, «Ширин билан Шакар»да 136 тани ташкил этади. Жами келтирилган сўзшакллар миқдори 52779 та бўлиб, матнда асосида қайд этилган 53840 бирликдан 1061 та камдир.

Шунга қарамасдан, ушбу жадвал асосида ҳам сўз охирида энг кўп қўлланган товушлар ҳақидаги таҳлилларни бемалол олиб бориш мумкин. Улар қуйидагича:

ҳарфлар	*умумий сўзшакллар*	*ўртача*
И	12488	1388
Н	9368	1041
А	9144	1016
Р	4263	474
Б	3799	422
Г	3620	402
М	2769	308
Й	1475	164
К	1170	130
З	1103	123
жами	**52779**	

Жадвалда барча достонлардаги ҳолат жамланиб, сўз охирида ўртача қўлланиши юзтадан кам бўлмаган бирликлар олинди ва шу нарса аниқландики, достонларда кетма-кетликда камайиб бориш тарзида энг кўп қўлланиладиган сўзлар ***и, н, а, р, б, г, м, й, к, з*** товушлари билан тугайди.

Бу эса С.Ризаевнинг хулосаларига мос келади. Демак, барча бадиий матнларда қўлланган сўзларнинг тугашида асосан ***а, и, н, р, г, м*** товушларининг частотаси устунлик қилади. Достонлар матнида эса яна ***б, й, к, з*** билан тугайдиган ҳолатлар ҳам фаол ҳисобланади. С.Ри-

заев бу товушлар сирасига ***л*** ни ҳам қўшган. Аммо бизнинг кузатишимиз натижалари достонлар матни мисолида бу фикрни қувватламади. Бу товуш билан тугаган сўзлар барча достонлар 662 ни ва ўртача 74 ни ташкил қилди, яъни 100 дан кам бўлди.

Адабиётлар:

1. Иброҳимов А. Бобур “Девон”и тилидаги ўзлашма лексика. – Т., 2006.
2. Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари.- Т.: Фан, 2006
3. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990

Жиззах давлат педагогика институти
2011 йил 21 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)